Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 203 (7343).

24 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1980 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СИЕСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 21 октябрда бўлиб ўтган Пленумида сўзлаган нутқи алоҳида китобча қилиб чиқарилди. Китобчага «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ҳамда СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қабул қилинган қарор ҳам киритилди.

Китобча кўп нусхада чоп этилди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИНни СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Алексей Николаевич **Косигинни** илтимосига биноан у СССР Министрлар Совети Раиси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 23 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Н. А. ТИХОНОВни СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Николай Александрович **Тихонов** СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил 23 октябрь.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

Кечқурун Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлис аҳли **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда **В. П. Рубен** раислик қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси депутат **Н. К. Байбаков** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Миллатлар Совети билан Иттифоқ Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани лойиҳасини батафсил муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан депутатларнинг нутқларида план топшириқлари СССР халқ хўжалигини янада ўстириш ва такомиллаштиришни кўзда тутганлиги ҳамда партиямизнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишга, совет халқи турмушининг моддий ва маънавий даражасини янада ўстиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

План лойиҳаси муҳокама қилиниши натижасида депутатлар уни якдиллик билан маъқуллладилар.

СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялари планни кўриб чиқиш жараёнида халқ истеъмол қиладиган бирқанча моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни чакана нархларда жами 176,2 миллион сўм миқдорида кўпайтириш ҳамда Давлат бюджетининг даромад ва харажатларини 130,6 миллион сўм кўпайтириш ҳақида таклиф киритдилар. Нотиқ СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан бу таклифлар кўриб чиқилганлиги ва қабул этилганлигини маълум қилди. 1981 йил планига тегишли аниқликлар киритилган таклифлар киритдилар, министрликлар ва идоралар-нинг, корхоналар ва ташкилотларнинг ишидаги айрим камчиликлар танқид қилинди. Шу билан бирга депутатлар хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа муҳим масалалари юзасидан илтимос ва таклифларини баён қилдилар. Нотиқ СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан қуйидагиларни маълум қилди: план-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссияларнинг хулосаларида, депутатларнинг нутқларида айтилган барча таклифлар эътибор билан кўриб чиқилади ва бу таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади. Кўриб чиқиш натижалари СССР Олий Советига маълум қилинади.

Н. К. Байбаков сўзининг охирида СССР Олий Совети Давлат планини қабул қилади ва халқимиз бу планни маъқуллайди, планнинг бажарилиши эса коммунистик қурилиш йўлида янги, катта қадам бўлади, деб ишонч билдирди.

СССР Олий Совети палаталарда алоҳида-алоҳида овозга қўйиш йўли билан СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни бир овоздан қабул қилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг СССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган 1981 йилги плани палаталар доймий комиссияларининг тузатишлари ҳисобга олиниб, қонун билан тасдиқланди. Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги асосий кўрсаткичлари юзасидан ўсиш суръатлари белгиланди.

Истеъмол қилиш ва жамғариш учун фойдаланиладиган миллий даромад 1980 йилдагига нисбатан 3,4 процент, саноат маҳсулоти 4,1 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 4,1 процент ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш 4,2 процент ортади.

Келгуси йилда аҳоли жон бошига реал даромадлар 2,9 процент кўпайтирилади.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти 3,9 процент ўсади. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига жами саҳни 108,9 миллион квадрат метрлик уй-жойлар қуриш мўлжалланди.

СССР Олий Советининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги қарори бир овоздан қабул қилинди.

СССР Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, шу йилги ва 1981 йилги план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, озиқ-овқат проблемасини ишлаб чиқиш, ҳамда амалга оширишга, халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш соҳасида катта силжишни таъминлашга, уй-жой қурилишини амалга ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор бериш топширилди.

СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ҳамда СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг доимий комиссиялари, деди у, СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетини ҳар томонлама кўриб чиқдилар. СССР Олий Советининг сессияда сўзга чиққан барча депутатлари Давлат бюджетини тамомила қўллаб-қувватладилар ва маъқулладилар.

Депутатлар якдиллик билан таъкидлаб ўтганидек, янги бюджет партиянинг социалистик экономика ва маданиятни янада юксалтириш совет кишиларининг фаровонлигини оширишга, бутун жаҳонда тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ленинча йўли изчил ва оғишмай амалга оширилаётганлигини ифода этади. Бюджетда кўзда тутилган пул ресурслари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг 1981 йилга мўлжалланган планларини амалга оширишни, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни таъминлайди.

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссиялари бюджетнинг даромад ва харажатларини 130,6 миллион сўм кўпайтириш ҳақида таклиф киритдилар.

Депутат СССР Министрлар Совети бу таклифларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаётганлигини маълум қилди. СССР Молия министрлиги СССР Олий Советининг шу сессиясида депутатлар томонидан қўйилган ҳамма масалаларни эътибор билан кўриб чиқади ва бунинг натижаларини СССР Министрлар Советига маълум қилади. Қўрилган тадбирлар тўғрисида СССР Олий Советининг депутатларига ўз вақтида хабар берилади.

Депутатлар палаталарда алоҳида-алоҳида овозга қўйиш йўли билан СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети палаталар доймий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб даромадлар бўйича 298.361.116 минг сўм миқдорида ва ҳаражатлар бўйича 298.160.308 минг сўм миқдорида тасдиқланди. Даромадлар ҳаражатларга нисбатан 200.808 минг сўм ортиқ бўлади.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой—коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш муддатидан илгари бажардилар.

Республикадаги колхоз ва совхозлар Ватан ҳирмонига бир миллион тоннадан зиёд дон тўкдилар. Бу — дон тайёрлаш юзасидан шу йил учун белгиланган миқдордан 34 процент ортиқдир.

Жамики тайёрланган дон ҳисобидан 432 минг тонна буғдой ва арпа, 39¢ минг тонна шоли, 180 минг тонна маккажўхори топширилди.

Дон тайёрлаш беш йиллик плани 1,5 баравар ошириб бажарилди. Беш йиллик бошидан буён давлатга 5 миллион тонна дон сотилди. Бу эса ана шу давр учун белгиланган тайёрлаш ҳажмидан 1 миллион 562 минг тонна кўпдир. Тайёрланган дон тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар ортди.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари 1980 йилда давлатга дон сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни ва умумий беш йиллик планни бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликлар қабул пунктларига 235 минг тонна, Қашқадарё областидаги хўжаликлар 154 минг тонна, Жиззах областидаги хўжаликлар 99 минг тонна, Тошкент областидаги хўжаликлар 98 минг, Самарқанд областидаги хўжаликлар 97 минг, Хоразм областидаги хўжаликлар 77 минг тонна дон юбордилар. Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона областларидаги колхоз ва совхозлар дон тайёрлашнинг умумий ҳажмини анча ошириб бажардилар. Қуйидаги областлардаги колхоз ва совхозлар беш йилликда энг кўп миқдорда дон топширдилар: Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозлари 940 минг тонна, Қашқадарё области 777 минг, Жиззах области 618 минг, Тошкент области 544 минг, Самарқанд области 510 минг тонна дон топширди.

Республикада Ўртоқ Л. И. Брежневнинг суғориладиган ерларда маккажўхори ва шоли етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, Амударё этакларида катта шоликорлик райони вужудга келтирилди. Бу ерда ва бир қанча бошқа областларда ихтисослаштирилган шоликорлик совхозлари ташкил этилган. Шунинг ҳисобига давлатга шоли сотиш ўтган беш йилликдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди.

Бу йил республиканинг колхоз ва совхозлари салкам 500 минг тонна мана шу қимматли озиқ-овқат маҳсулотини етиштириб, давлатга 390 минг тонна шоли топширдилар, бу эса республикада тайёрланган жами донинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Давлатга шоли сотиш плани 110 процент бажарилди. Умуман республикада шолининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерни ташкил этди. Бу 1975 йилдагига қараганда 6 центнер кўпдир.

(Давоми учинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети 1980 йил 22 октябрда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигининг мактубини олди.

Ўртоқ Косигин бу мактубда кўп йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимида ишлашига ишонч билдиргانликлари учун партия Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга, СССР Олий Советига ва СССР Министрлар Советига чуқур ва самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Ўртоқ А. Н. Косигин ўз мактубида соғлиги кейинги вақтларда ёмонлашганлигини кўрсатиб, дам олишни ва актив фаолиятдан халос бўлишни талаб этади. Шу муносабат билан ўртоқ А. Н. Косигин ўзини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раиси вазифаларидан озод қилишни сўрайди.

Сўнгра ўртоқ А. Н. Косигининг мактубида Коммунистик партия теварагига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бошлиқ Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашган совет халқи коммунизм тантанаси йўлида, Ер юзида бахт ва адолат йўлида янгидан янги катта зафарларга эришади, деб қатъий ишонч билдирилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ А. Н. Косигин томонидан қўйилган масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети ўртоқ А. Н. Косигининг соғлиги ёмонлашганлигини эътиборга олиб, уни СССР Министрлар Совети Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондириш ҳақидаги таклифни СССР Олий Советининг муҳокамасига қўяди.

Айни вақтда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Николай Александрович Тихоновни СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги таклифни СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этади.

Ўртоқ Н. А. Тихонов узоқ вақт мобайнида халқ хўжалигида масъулиятли ишда бўлди. У йирик заводнинг директори, СССР қора металлургия министрининг ўринбосари, халқ хўжалиги кенгашининг раиси, СССР Госплани раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ўртоқ Н. А. Тихонов ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан буён СССР Министрлар Советида Раис ўринбосари, 1976 йилдан буён Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўртоқ Н. А. Тихонов СССР ҳукумати бошлиғига хос юксак бурчларни уддалайди, деб ишонч билдиради ва СССР Олий Советидан уни СССР Министрлар Совети Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашни сўрайди. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

СССР Олий Совети А. Н. **Косигинни** униг илтимосига кўра, СССР Министрлар Совети Раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети **Н. А. Тихоновни** СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиб, СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлашга қарор қилди.

Сессияда депутатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган Н. А. Тихонов сўзга чиқди.

Ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Менга нисбатан юксак ишонч билдирилганлиги — СССР Министрлар Совети Раиси лавозимига кўрсатилганлигим учун партия Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Депутат ўртоқлар, менинг номзодимни қўллаб-қувватлаганлигингиз ва мени Совет ҳукумати бошлиғи лавозимига тайинлаганлигингиз учун Сизларга миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мен ўз зиммамга жуда масъулиятли бурч юкланаётганлигини англайман. Мен партиямизнинг XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан бош йўлни, Леонид Ильич Брежневнинг программ йўл-йўриқларини изчил амалга ошириш борасида сабот-матонат билан ишлашни ўз бурчим деб биламан. Бизнинг партиямиз ва халқимиз ана шу программ йўл-йўриқларга амал қилиб, КПСС-нинг XXVI съездини кутиб олмоқда.

Ленинчи партиямизнинг йўли — халқ фаровонлигини янада ўстириш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш, Ер юзида тинчликни қарор топтириш йўлидир. Бу йўл бутун халқнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Барча совет кишилари бу йўлни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Депутат ўртоқлар, Сизларни, партиямизнинг Марказий Комитетини ишонтириб айтаманки, мен ўзимга кўрсатилган юксак ишончни оқлаш учун бутун куч-ғайратимни сарф қиламан.

Ҳукуматнинг барча аъзолари номидан ва шахсан ўз номимдан Сизларни ишонтириб айтаманки, Министрлар Совети ленинчи партиянинг доно раҳбарлигида мамлакатимизнинг коммунистик қурашни кучайтириш, деб таъкидлади нотиқ, жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантиришда янада юксак натижаларга эришиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш имконини беради.

Шу билан музокаралар тамом бўлди.

Депутатлар палаталарда алоҳида-алоҳида овозга қўйиш йўли билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонуни асосларини ва СССР Олий Советининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асосларини кучга киритиш тартиби ҳақидаги қарорини бир овоздан қабул қилдилар.

Раислик қилувчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга сўз беради. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар уни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

Николай Александрович ТИХОНОВ

Ўртоқ Н. А. Тихонов 1905 йил туғилган, 1940 йилдан буён КПСС аъзоси, меҳнат фаолиятини 1924 йилда паровоз машинистининг ёрдамчисидан бошлаган. Днепропетровск металлургия институтини тугатгандан кейин 1930 йилдан бошлаб инженер, цех бошлиғи, бош инженер, завод директори бўлди. СССР Қора металлургия министрлигида бир қанча раҳбарлик лавозимларида — министрлик бош бошқармасининг бошлиғи, министр ўринбосари лавозимларида ишлади. 1957 йилда Днепропетровск халқ хўжалик кенгашига бошчилик қилди. 1960 йилдан бошлаб СССР давлат экономика кенгаши раисининг ўринбосари — СССР министри, 1963 йилдан эса СССР Госплани раисининг ўринбосари — СССР министри лавозимида ишлади. 1965 йилдан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, 1976 йилдан эса СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1979 йилда эса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Н. А. Тихонов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотларининг лауреати, техника фанлари докторидир.

У бир қанча чақириқ СССР Олий Советининг депутатидир.

ПАХТА ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 23 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида), тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилганлиги, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

БУКА	0,03	121,28	0,02	116,36
ПИСКЕНТ	0,20	118,78	0,21	118,00
ҒАЛАБА	0,03	113,95	—	105,04
БЕКОБОД	0,25	109,64	0,28	104,84
ОҚҚЎРҒОН	0,06	107,19	0,06	97,14
ЧИНОЗ	0,22	107,05	0,18	101,12
ЯНГИЙЎЛ	0,02	103,32	—	101,74
КОММУНИСТИК	0,48	102,85	0,46	93,81
ЎРТА ЧИРЧИҚ	025	100,91	0,20	107,28
Область бўйича:	0,15	110,20	0,14	107,64

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида): БУХОРО—109,15; ҚАШҚАДАРЁ — 106,14; СУРХОНДАРЁ—103,11; ЖИЗЗАХ — 103,07; САМАРҚАНД — 102,00; СИРДАРЁ — 100,25; Хоразм — 95,95; Қорақалпоғистон АССР — 92,72; Фарғона—90,84; Андижон—87,64; Наманган — 85,03. Республика бўйича—97,21.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА 22 ОКТЯБРЬ

Палатанинг мажлисида депутатлар ва меҳмонлар **А. Я. Пельше, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Миллатлар Совети Раиси **В. П. Рубин** раислигида ўтди.

Йиғилиш аҳли икки сессия ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар П. М. Машеров, В. Н. Титов, П. И. Власов, Г. А. Титов хотираларини ҳурмат билан эсладилар.

Мандат комиссиясининг раиси **А. Г. Коркин** СССР Олий Совети янгидан сайланган депутатларининг ваколатларини текшириш тўғрисида доклад қилди. Бу доклад юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Миллатлар Совети планбюджет комиссиясининг раиси **О. И. Масленников** 1981 йилда СССРни иқтисоди ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1980 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети ва СССР 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида доимий комиссияларнинг қўшимча докладини қилди.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари, деди нотиқ, партия ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаб қўллаб-қувватламоқдалар ҳамда совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғ ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрлиги учун, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссаси учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Партия Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган сермазмун ва ҳар томонлама асосланган нутқида мамлакатимиз экономикасининг аҳволини чуқур ва муфассал анализ қилиб, халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг туб йўлларини белгилаб берди.

Комиссиялар, деб давом қилди нотиқ, 1981 йилги Давлат плани КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ҳамда мамлакат иқтисоди ва социал тараққиётининг асосий масалалари юзасидан ўртоқ Л. И. Брежнев айтган йўл-йўриқлар асосида ишлаб чиқилганлигини таъкидлайдилар.

План топшириқлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, халқ хўжалиги барча тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотлар ҳамда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, халқ турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган.

Миллатлар Советининг доимий комиссиялари Иттифоқ Советининг комиссиялари билан бирга 1981 йилда жами 176,2 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари айрим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни кўпайтириш имкониятини излаб топди ва шуни ҳисобга олиб, Давлат планини тасдиқлашни таклиф қилади.

Комиссиялар 1981 йилги планга киритилувчи тузатишни назарда тутиб бюджетнинг даромад ва харажатларини 130.580 минг сўм кўпайтиришни ҳамда киритилган тузатишларни ҳисобга олиб, план ва бюджет лойиҳаларини тасдиқлашни таклиф этади.

Доимий комиссиялар, деб давом қилди нотиқ, саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ишининг ижобий якунларини қайд этди ва жиддий камчиликларга, фойдаланилмаган имкониятларга алоҳида эътибор берди.

Доимий комиссиялар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларга, қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини янада тўла қондириш вазифалари ҳал этилишини тезлаштириш зарурлигига эътиборни жалб қилди.

Барча иттифоқдош республикалар ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш устида муваффақият билан меҳнат қилмоқда, деди пировардида нотиқ. Совет халқи эришилган марраларидан чуқур мамнуният ва ифтихор ҳис-туйғуларига тўлган ҳолда мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа — жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съездини кутиб олмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **В. И. Казаков** Совет Россиясининг меҳнаткашлари 1980 йил планини ва умуман ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли тугаллаш иштиёқида эканликларини айтди.

Лекин эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, фойдаланилмаган катта имкониятларни кўрмаслик ҳам мумкин эмас. РСФСР ҳукумати маҳаллий Советлар билан биргаликда мавжуд камчиликларга барҳам беришнинг зарур чораларини кўрмоқда.

Депутат муҳокама этилаётган Давлат плани ва бюджетининг лойиҳалари совет халқининг туб манфаатларини акс эттиришини таъкидлаб, уларни Олий Совет комиссияларининг мулоҳазалари ва тузатишларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

Украина Компартияси Чернигов область комитетининг биринчи секретари депутат **Н. В. Уманец** область меҳнат коллективларининг КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди. Беш йиллик бошидан бери пландан ташқари неча ўнлаб миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланишга асосий эътибор берилмоқда. Областнинг ҳамма колхозлари сурункасига уч йилдан бери рентабелли ишламоқда.

Депутат қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларга тўхталди. У СССР Госплани, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги зиғир толага ишлов берувчи механизмлар комплексининг иш унумини ошириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтирсинлар, деган истак билдирди.

Белоруссия Компартиясининг 50 йиллиги номли Минск камволь комбинатининг тўқувчиси **Л. А. Ратинская** корхонанинг 1300 дан ортиқ ишчи шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб бўлганлигини маълум қилди. Шу билан бирга ишимизнинг ҳозирги даражаси шу куннинг талабларига тўла мос келмаётганлигини ҳам тушунамиз. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш, сифатсиз маҳсулот чиқариш фактлари ҳамон бор.

Биз шу масалалар устида доимо ишлаяпмиз. Аммо кўпгина масалаларни ҳал этиш марказий планлаштирувчи органларга боғлиқ.

Қозоғистон Компартияси Кўкчетов область комитетининг биринчи секретари депутат **О. С. Куанишев** шу йил Қозоғистон деҳқонлари Ватан омборларига миллиард пуддан кўп дон тўкканликларини эслатди.

Нотиқ келгусида қўриқ ерлари бутун ғалла конвейери намуналари ишлашини йўлга қўйиш, биринчи навбатда дон ҳосилдорлигини гектаридан 20 центнергача ошириш зарурлигини таъкидлади.

Нотиқ бир қанча актуал проблемалар тезроқ ҳал этилиши зарурлигига, шу жумладан кадрларни мустаҳкамлаш, уларнинг малакасини ошириш, шунингдек комбайн ва трактор паркини сифат жиҳатидан янгилашга, транспорт масалаларини ҳал этишга эътиборни жалб қилди.

Грузия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Н. А. Читанава** ўнинчи беш йиллик Грузия учун алоҳида бўлганлигини, шу йиллар ичида экономиканинг бир қанча тармоқларидаги жиддий қолоқликни бартараф этиш мумкин бўлганлиги, план топшириқларини бажаришда катта-катта муваффақиятларга эришилганлигини айтди.

Нотиқ республика қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг ўсиб бориши билан уни қайта ишлайдиган саноат қувватлари етарли эмаслиги ўртасида вужудга келган номутаносибликни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. И. Иброҳимов** бундай деди: 1981 йилги план ва бюджет лойиҳаларида кўзда тутилган ривожланишнинг юксак суръатлари ҳозиргача эришилган муваффақиятларга асосланган.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига нотиқ катта эътибор берди. У деҳқончиликни минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари билан янада тўла-тўкис таъминлаш, қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **И. А. Мозговой** бундай деди: республика экономикаси мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплексида ривожланиб, янги муваффақиятларга эришди.

Нотиқ деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берди. Шу муносабат билан, деб таъкидлади у, хўжалик юритишни яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун қураш масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш проблемасини ҳал этиш зарур.

Депутатнинг фикрича, қишлоққа автомобиллар, тракторлар, дон комбайнлари, бошқа қишлоқ хўжалик машина-механизмлари етказиб беришни кўпайтириш зарур.

Беш йиллик мобайнида, деди Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **В. А. Гвоздев**, Белоруссиянинг социал-иқтисодий имкониятлари анча ошди.

Меҳнат коллективлари, кадрларимиз кенг миқёсдаги хўжалик, социал ва маданий-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш соҳасида қимматли тажриба орттирдилар, деди депутат. Табиийки, биз бу тажрибаларни мустаҳкамлашга, эришилган натижаларни кўпайтиришга, ҳали ишимизда мавжуд бўлган нуқсонларни тузатишга интиламиз. Нотиқ шуни уқтириб ўтдики, СССРнинг социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981 йилги плани лойиҳасида мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлган Белоруссия ССР экономикасини янада узлуксиз ўстириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз эришган муваффақиятлар КПСС, Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг тўғрилигидан яққол далолат беради, деб таъкидлади СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори депутат **А. А. Логунов.**

У фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисида гапириб, жумладан Москва илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг катта ҳиссасини уқтириб ўтди: бу ерда пойтахт олимлари билан корхоналари ўртасида шартномалар тузиш ва ижодий ҳамкорлик қилишнинг илғор тажрибаси вужудга келиб, кенг оммалашганини эслатиб ўтди. Москва Давлат университетининг «АвтоЗИЛ» бирлашмаси билан кўп йиллик ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади.

Мамлакатдаги илмий потенциал жуда зўр бўлса ҳам, аммо, нотиқнинг фикрича, бу потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги ҳали етарли эмас.

Ростов-Дондаги «Ростсельмаш» заводининг сайқалчиси депутат **З. П. Еременко,** шуни қайд этдики, корхонанинг кўп минг кишилик коллективи серунум дон комбайни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифани зўр масъулият туйғуси билан кутиб олди.

Машинасозлар, деди у, КПСС XXVI съезди шарафига корхонани янги модернизацияланган комбайн ишлаб чиқаришга муддатидан бир йил аввал ўтказишга қарор бердилар. Депутат шу ишга алоқадор министрликларга ва СССР Госплани мурожаат этиб, шу машинани ишлаб чиқара бошлаш тўғрисида тезроқ қарор қабул қилишларини, шу муносабат билан эса материал-техника таъминоти учун фондлар ажратишни ҳам илтимос қилди.

* * *

23 октябрь куни СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

* * *

Совет ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети мамлакатнинг 1981 йилги плани ва бюджетини кенг партиявий позицияларда туриб муфассал муҳокама этди. КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган фикр ва хулосалар ўн биринчи беш йиллик биринчи йилида СССР халқ хўжалигини янада юксалтириш йўлларини белгилаш асоси бўлиб хизмат қилади.

Депутатлар сессиядаги нутқларида бутун диққат-эътиборни совет халқининг фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш зарурлигига қаратдилар, меҳнат коллективлари партия XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаратўғанликларини кўрсатувчи мисолларни айтиб бердилар.

Депутатлар белгиланган мақсадларга эришиш учун хўжалик иши савиясини ошириш, иқтисодий тежашга, давлат интизомига қатъий риоя қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар камчилик ва нуқсонларни изчиллик билан очиб ташлаб, уларни тугатишга оид конкрет таклифларни киритдилар.

Халқнинг мухтор вакиллари совет кишилари номидан Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги аниқ ҳаракат программасини яқдиллик билан маъқуллашларини изҳор этдилар. Бу сиёсатни ўз ишларимиз билан зўр бериб ва изчил равишда амалга ошираверамиз, деб ишонтиришди улар.

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 23 октябрь куни эрталаб соат 10 да палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида ўз ишини давом эттирди. Бу мажлисларда депутатлар СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги, СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ва 1979 йилги Давлат бюджети қандай бажарилганлиги ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА 22 ОКТЯБРЬ

Кечқурун Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар ва меҳмонлар **Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар В. А. Васлаев ва К. Н. Руднев хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

СССР Олий Советининг янги сайланган депутатлари ваколатларини текшириш тўғрисида мандат комиссиясининг раиси **К. С. Демирчян** комиссия номидан доклад қилди. Доклад юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

Палата мажлисида Иттифоқ Совети баъзи доимий комиссияларнинг составига ўзгартишлар киритилди.

Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **Г. И. Вашченко** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети ҳамда СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида план-бюджет ва тармоқ доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

СССРнинг 1981 йилги план ва бюджети лойиҳаларида, деди у, мамлакат экономикасини муттасил ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқнинг моддий ва маданий даражасини янада ўстириш, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссиялари мамлакатнинг 1981 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини синчиклаб кўриб чиқдилар. Улар қўшимча ресурсларни қидириб топдилар ва баъзи бир ўзгартишлар киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини 176.200 минг сўм миқдорида кўпайтириш ҳамда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини 130.580 минг сўм миқдорида кўпайтириш таклиф этилади.

Комиссиялар номидан нотиқ тақдим этилган 1981 йилги СССР Давлат плани ҳамда бюджетини ўз тузатишларини ҳисобга олиб тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

Беш биринчи беш йиллик биринчи йилининг тиғиз топшириқлари муваффақиятли амалга оширилиши меҳнаткашларни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ҳар томонлама оширишга, меҳнат унумдорлигини жадал ўстиришга сафарбар қилиш соҳасидаги ташкилотчилик ишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини нотиқ уқтириб ўтди.

Доимий комиссиялар ишлаб чиқаришни янада ўстириш резервлари ва имкониятларини борлигини қайд этадилар ҳамда план ва бюджет топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига кўмаклашадиган тавсияларни киритадилар.

КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев аҳолини хилма-хил ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар — бу партиянинг меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга қаратилган бош йўлидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларнинг биридир.

Бу вазифани ҳал этиш учун қишлоқ хўжалиги равожини жадаллаштириш билан бирга бутун озиқ-овқат комплекси ишини мувофиқлаштириб олиб бориши таъминлаш зарур. Ҳозирча бу соҳада бир қанча ҳал этилмаган проблемалар бор, планлаштириш, бошқариш, капитал маблағ ва бошқа ресурсларни тақсимлаш масалалари шулар жумласига киради. Тегишли органлар бу масалани зудлик билан ҳал этишлари лозим.

Госплан министрликлар билан биргаликда аҳолининг ҳалқ истеъмол қиладиган асосий молларга талабини ўрганишни ташкил қилиш даражасини ошириб, ҳақиқатан ҳам халққа зарур бўлган молларни ишлаб чиқариш ва савдога етказиб беришни кўпайтиришга эришмоғи лозим.

Пировардида Г. И. Вашченко ишонч билдириб айтдики, Ватанимиз меҳнаткашлари ленинча Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб, бутун куч, билим ва тажрибани социалистик Ватаннинг янада равнақ топиши йўлида ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини муваффақиятли амалга оширишга сарф қиладилар.

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **С. Н. Имашев** палаталардаги музокараларни бошлаб берди. У республика саноат ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съезднинг катта муваффақиятлар билан кутиб олаётганликларини айтди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг кенгашида ва Олмаотадаги юбилей тантаналарида сўзлаган нутқларида берган маслаҳатлари ва йўл-йўриқларини бажариб, етиштирилган жами ҳосилни ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олдилар.

Депутат ҳал этилмаган бир қанча проблемаларга тўхталиб ўтди. Жумладан у, ер остидан маъдан қазиб олиш соҳасида ўзи юрар машина-ускуналардан янада кенг фойдаланиш Қозоғистонда рангли металлургияни янада жадал ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири эканини уқтириб ўтди. Аммо корхоналар бундай машина-ускуналар билан ҳали дуруст таъминланмаяпти.

Совет Россиясининг меҳнаткашлари, деди РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **А. М. Калашников,** мамлакатнинг умумий ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шу билан бирга кўпгина саноат корхоналари ва бирлашмалари ҳали ўз имкониятлари даражасида ишламаяптилар. Халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида фан ва техника, илғор тажриба ютуқларини жорий этишга етарли эътибор берилмаяпти, корхоналарни реконструкция қилиш ва янги техника билан қуроллантириш суст ўтказилмоқда.

Нотиқ РСФСРдаги капитал қурилиш кўламини таъкидлаб, бу ишда ҳали бир талай камчиликлар борлигини — чала қолган қурилишлар кўплигини, қурилишнинг комплекслилик даражаси суст ўсаётганини уқтириб ўтди.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **И. А. Мозговой** бундай деди: республика экономикаси мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплексида ривожланиб, янги муваффақиятларга эришди.

Нотиқ деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берди. Шу муносабат билан, деб таъкидлади у, хўжалик юритишни яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун қураш масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш проблемасини ҳал этиш зарур.

Депутатнинг фикрича, қишлоққа автомобиллар, тракторлар, дон комбайнлари, бошқа қишлоқ хўжалик машина-механизмлари етказиб беришни кўпайтириш зарур.

Беш йиллик мобайнида, деди Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **В. А. Гвоздев**, Белоруссиянинг социал-иқтисодий имкониятлари анча ошди.

Меҳнат коллективлари, кадрларимиз кенг миқёсдаги хўжалик, социал ва маданий-тарбиявий вазифаларни ҳал этиш соҳасида қимматли тажриба орттирдилар, деди депутат. Табиийки, биз бу тажрибаларни мустаҳкамлашга, эришилган натижаларни кўпайтиришга, ҳали ишимизда мавжуд бўлган нуқсонларни тузатишга интиламиз. Нотиқ шуни уқтириб ўтдики, СССРнинг социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1981 йилги плани лойиҳасида мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлган Белоруссия ССР экономикасини янада узлуксиз ўстириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз эришган муваффақиятлар КПСС, Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг тўғрилигидан яққол далолат беради, деб таъкидлади СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори депутат **А. А. Логунов.**

У фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисида гапириб, жумладан Москва илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг катта ҳиссасини уқтириб ўтди: бу ерда пойтахт олимлари билан корхоналари ўртасида шартномалар тузиш ва ижодий ҳамкорлик қилишнинг илғор тажрибаси вужудга келиб, кенг оммалашганини эслатиб ўтди. Москва Давлат университетининг «АвтоЗИЛ» бирлашмаси билан кўп йиллик ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади.

Мамлакатдаги илмий потенциал жуда зўр бўлса ҳам, аммо, нотиқнинг фикрича, бу потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги ҳали етарли эмас.

Ростов-Дондаги «Ростсельмаш» заводининг сайқалчиси депутат **З. П. Еременко,** шуни қайд этдики, корхонанинг кўп минг кишилик коллективи серунум дон комбайни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш юзасидан ўртоқ Л. И. Брежнев ўртага қўйган вазифани зўр масъулият туйғуси билан кутиб олди.

Машинасозлар, деди у, КПСС XXVI съезди шарафига корхонани янги модернизацияланган комбайн ишлаб чиқаришга муддатидан бир йил аввал ўтказишга қарор бердилар. Депутат шу ишга алоқадор министрликларга ва СССР Госплани мурожаат этиб, шу машинани ишлаб чиқара бошлаш тўғрисида тезроқ қарор қабул қилишларини, шу муносабат билан эса материал-техника таъминоти учун фондлар ажратишни ҳам илтимос қилди.

* * *

23 октябрь куни СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

* * *

Совет ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети мамлакатнинг 1981 йилги плани ва бюджетини кенг партиявий позицияларда туриб муфассал муҳокама этди. КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган фикр ва хулосалар ўн биринчи беш йиллик биринчи йилида СССР халқ хўжалигини янада юксалтириш йўлларини белгилаш асоси бўлиб хизмат қилади.

Депутатлар сессиядаги нутқларида бутун диққат-эътиборни совет халқининг фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш зарурлигига қаратдилар, меҳнат коллективлари партия XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаратўғанликларини кўрсатувчи мисолларни айтиб бердилар.

Депутатлар белгиланган мақсадларга эришиш учун хўжалик иши савиясини ошириш, иқтисодий тежашга, давлат интизомига қатъий риоя қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Улар камчилик ва нуқсонларни изчиллик билан очиб ташлаб, уларни тугатишга оид конкрет таклифларни киритдилар.

Халқнинг мухтор вакиллари совет кишилари номидан Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги аниқ ҳаракат программасини яқдиллик билан маъқуллашларини изҳор этдилар. Бу сиёсатни ўз ишларимиз билан зўр бериб ва изчил равишда амалга ошираверамиз, деб ишонтиришди улар.

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 23 октябрь куни эрталаб соат 10 да палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида ўз ишини давом эттирди. Бу мажлисларда депутатлар СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги, СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ва 1979 йилги Давлат бюджети қандай бажарилганлиги ҳақидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА 23 ОКТЯБРЬ

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи Иттифоқ Советининг Раиси **А. П. Шитиков** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Т. Н. Осетрова** сўз берди:

Республика саноати, деб таъкидлади у, тез ва барқарор ривожланиб бормоқда. Депутат айтдики, Ўзбекистон меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш юзасидан олинган мажбуриятни бажардилар. Ўзбекистон вакили савдо-сотиқ ва умумий овқатланишни такомиллаштириш, республика корхоналарида истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги ишлар ҳақида гапирди.

СССР нефть саноати министри депутат **Н. А. Мальцев** ўз нутқида Ғарбий Сибирнинг нефть-газ индустриясини янада тез ривожлантириш масаласига кўпроқ тўхталиб ўтди.

Депутат бундай деди: Ғарбий Сибирь ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш кўпгина проблемаларни ҳам ўртага қўймоқда. Энди-ликда базавий шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва саноат базаларидан тобора олис жойларда нефть қидириб топишга тўғри келади. Бундай шароитда капитал қурилиш, уй-жойларни, турли социал объектларни барпо этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Курган область партия комитетининг биринчи секретари депутат **Ф. К. Князев** КПССнинг бўлажак XXVI съезди шарафига социалистик мусобақанинг мислсиз кенг авж олганлиги шу йилга хос хусусият эканлигини таъкидлади.

Областда меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмини анча кўпайтириш таъминланди.

Нотиқ саноат ва қишлоқ хўжалик қурилиши суръатларининг пастлигини, етиштирилган ҳосилни сақлашни уюштиришдаги камчиликлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг социал жиҳатига етарли баҳо бермасликни ҳал этилмаган проблемалар қаторига қўйди.

ВЦСПС секретари депутат **А. В. Викторов** беш йиллиқнинг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишга совет касаба союзлари қўшаётган ҳисса тўғрисида гапирди. У кейинги йилларда бир қанча тармоқлардаги неча ўн миллионлаб ходимларнинг иш ҳақи оширилганлигини эслатиб ўтди. Меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун кўп иш қилинди. Касаба союзлари иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун социалистик мусобақани ташкил этишда актив қатнашмоқдалар.

Депутат мусобақани ташкил этишдаги камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. У касаба союз ташкилотларининг шифохоналарига, болаларнинг мактабгача тарбия муассасаларига етарли эътибор бермаган қурилиш ташкилотлари олдига бир қанча жиддий талаблар қўйди.

Норильскдаги А. П. Завенягин номли кон-металлургия комбинатининг директори депутат **Б. И. Колесников** региондаги ишлаб чиқарувчи кучларни комплекс ривожлантириш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган план бундан ўн йил муқаддам планлаштириш практикасида биринчи марта ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини эслатиб ўтди.

Ўтган йиллар мобайнида Красноярск ўлкасининг минерал хом ашё ресурслари мамлакат халқ хўжалигига хизмат қила бошлади ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди. Кўпдан-кўп уй-жой бинолари қурилди. Буларнинг ҳаммаси ишчи кадрларнинг бу ўлкага кўплаб келиши учун имконият яратиб берди.

Ленинграддаги Жданов номли кемасозлик заводи слесарь-монтажчилар бригадири депутат **С. В. Волков** айтдики, Ленинград индустрияси кейинги вақтларда халқ хўжалигининг бир қанча йирик, техникавий жиҳатдан мураккаб буюртмаларини бажарди. Корхоналарнинг учдан бир қисмидан кўпроғи, неча юз минглаб ишчилар беш йиллик программасини адо этдилар.

Нотиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берди. У марказий органлар тегишли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишни жадаллаштириши лозим, деб ҳисоблайди.

Грузия Компартияси Абхазия область комитетининг биринчи секретари депутат **Б. В. Адлейба** сессия минбарига чиқиб, Автоном республиканинг экономикасини янада ривожлантириш программасини бажаришда меҳнаткашлар актив иштирок қилаётганлиги ҳақида гапирди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг жанубда ўсадиган экинлар ва субтропик экинлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда Грузия ССРнинг қишлоқ хўжалигини янада жадал ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда ва кўп куч-ғайрат сарф қилинмоқда. Шу муносабат билан депутат иттифоқ министрликлари ва идоралари республикага катта ёрдам бераётганлигини таъкидлаб ўтди.

Брянскдаги «Комсомолец» колхозининг раиси депутат **П. И. Ефименко** ўз нутқида хўжаликларни материаллар ва техника билан таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтди.

Ернинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ўстириш, деб таъкидлади у, мустаҳкам, гоят самарали ишлайдиган машиналар комплексини талаб этади. Нотиқ қишлоқ учун зарур бўлган техникани ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг қувватини ошириш ҳақида таклиф киритди.

Бутун Советлар мамлакатида бўлгани каби Туркманистонда ҳам, деди Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Б. Язкулиев,** партиянинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. Республика меҳнаткашлари ўз куч-ғайратларини ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтилган асосий йўналишларга сафарбар қилмоқдалар.

Депутат пахтакорларнинг иши тўғрисида ҳам гапирди. Пахтакорлар ўн биринчи беш йилликда пахта, хусусан ингичка толали пахта етиштиришни анча кўпайтирадилар.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Шарқий Сибирь филиали президиумининг раиси депутат **Н. А. Логачев** мамлакат шарқидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда фаннинг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

Шарқий Сибирь филиали салмоқли илмий потенциалга эгадир. Бу филиал илмий ходимларининг катта отряди Сибирнинг табиий ресурсларини комплекс ўзлаштириш юзасидан узоқ даврга мўлжалланган программада белгиланган кўпгина вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда.

КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари депутат **Л. А. Бородин** областда иқтисодий ва маданий қурилишнинг якунлари ҳақида, балиқни қайта ишлаш саноатининг ривожланиши тўғрисида сўзлаб берди. Депутат сабзавот, полиз экинлари ва шоли етиштиришни кўпайтириш учун Волга—Оқтубанинг қуйи қисми ва Волга дельтасидан тўлароқ фойдалани

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Депутат республика экономикасидаги «танг жойлар»ни бартараф этиш йўлларига муфассал тўхталиб ўтди. Молдавиянинг партия ташкилоти, деди у, истеъмол моллари ишлаб чиқараётган корхоналар ишини янада такомиллаштириш масалаларига катта эътибор бермоқда. Депутат барча тармоқларнинг резервларини мана шу йўналишга жамлашни таклиф этди.

Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси депутат **А. Ҳайдаров** ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг муваффақиятли бажарилиши ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини янада оширишни, уюшқоқлик ва интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлашни тақозо этишини таъкидлади. У партия талаблари асосида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун республикада зарур тадбирлар кўрилаётганлигини маълум қилди.

Бошқирдистон АССРнинг Дуртюли районидаги «Униш» колхозининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумини ва СССР Олий Совети сессиясини барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан беш йиллик планларни муддатидан илгари бажариб кутиб олдилар, деди шу колхоз раиси депутат **М. М. Галиев.**

Нотиқ автоном республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Биз, ҳаммамиз, деди у, олимлар, конструкторлар ва машинасозлардан ғаллани ҳар қандай обн-ҳаво шароитида ва нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб оладиган ғоят унумли дон комбайнлари яратишларини сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Хўжаликларда бошқа машина ва механизмлар ҳам етишмаслиги кескин сезилмоқда.

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **С. И. Ибраимов** қуйидагиларни айтди: 1981 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда Давлат бюджетининг ҳозирги сессияда кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тақдим этилган лойиҳаларида партия ва ҳукуматнинг мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш, ҳар бир республиканинг уйғун равишда ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги изчил ғамхўрлиги чуқур ва тўла ифода этилган.

Депутат республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапириб, бир қанча проблемаларга тўхталиб ўтдики, партия аграр сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш ана шу проблемаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир.

Ригадаги 45-ўрта мактаб директори депутат **Л. Я. Рейзинь** меҳнат самарадорлигини ошириш вазифаси ёш авлодга таълим бериш проблемаларига ҳам тўла даражада тааллуқли эканлигини таъкидлаб ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш масаласига катта эътибор берди. У ишлаб чиқариш корхоналари ўқувчиларга амалий оталиқ қилаётганлигини кўрсатувчи мисоллар келтирди.

Бироқ, деб таъкидлади мактаб директори, меҳнат таълимининг моддий ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Ереван шаҳар партия комитетининг биринчи секретари депутат **Л. Н. Нерсесян** ўз нутқини иш суръати ва сифатини янада ошириш учун ресурслардан самарали фойдаланиш проблемаларига бағишлади. У республикада фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни илдам ривожлантириш йўлидан борилаётганлигини айтди, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақанинг кўламлари ва унинг бориши тўғрисида гапирди.

Депутат республика экономикасини ривожлантириш суръатларини пасайтираётган камчиликларни бартараф этиш йўлларига батафсил тўхталиб ўтди.

Эстония ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Г. А. Тинспоет** Совет Эстониясида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, хўжалик механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлади. Республикадаги барча саноат корхоналарининг учдан бир қисмидан кўпроғи ишловчилар сони камайтирилиши билан бир вақтда ишлаб чиқарилишининг оширилишига эришди. Қишлоқ хўжалиги фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшиланди.

Депутат корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга етарлича эътибор бермаётган бир қанча иттифоқ саноат министрликлари шаънига танқидий фикрлар билдирди.

«Тувинстрой» трестига қарашли 48-қурилиш бошқармаси суворчи-бўёқчиларининг бригадири депутат **Р. Ф. Григорович** айтдики, сессияда кўриб чиқилаётган 1981 йилги Давлат планининг бажарилиши кўп жиҳатдан биз, ишчиларга боғлиқ бўлади.

Бригада беш йиллик топшириқни 1 сентябрдаёқ адо этди, меҳнат унумдорлигини қарийб икки баравар оширди. Бошқарманинг бутун коллективи ҳам муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Бинокор кадрлар тайёрлаш яхшиланмоқда. Шундай бўлса ҳам қурилиш ташкилотларини ана шундай кадрлар билан таъминлаш ҳамон ўткир проблема бўлиб қолмоқда.

КПСС Қалмоқ область комитетининг биринчи секретари депутат **В. И. Никулин** қалмоқ меҳнаткашларининг автоном республикани ғоят маҳсулдор чорвачилик ва шоликорлик зонасига айлантириш режалари тўғрисида сўзлаб берди, кенг кўламдаги мелиорация ишларига халақит бераётган сабабларга тўхталиб ўтди.

Шу билан Миллатлар Советининг мажлиси тугади.

(ТАСС).

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонуни асослари лойиҳаси ҳақида

Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси И. М. ЯРКОВОЙ доклади

Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини тугаллаш учун завқ-шавқ ва зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқини барча совет кишилари зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги босқичда мамлакат ривожини ҳар томонлама анализ қилди ва Коммунистик партия, Совет давлати халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни диққат марказида тутиб келаётганини ва ўзининг иқтисодий стратегиясида экономикани меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш билан боғланган хилма-хил вазифаларни ҳал этишга анча чуқур равишда буриб юборишни кўзда тутаётганини алоҳида таъкидлади.

Ривожланган социализм жамиятида, чинакам демократия шароитида омманинг ижодий ташаббусини, меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини намоён этиш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун тобора кенг имкониятлар очилмоқда, деб таъкидлади докладчи. Айни вақтда қонунларга, коммунистик ахлоқ нормаларига, социалистик жамият қоидаларига оғишмай риоя қилишнинг аҳамияти ҳам ортмоқда. Шу сабабли социалистик турмуш тарзига зид бўлган ўғрилик, хўжасизлик, безорилик, ичкиликбозлик, текинхўрлик, интизомни ва жамоат тартибини бузиш сингари иллатларга қарши кескин муросасиз курашиш зарур.

Мамлакатимизда КПСС XXIV ва XXV съездларининг қарорларига, СССР Конституциясининг қоидаларига мувофиқ равишда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш йўли изчиллик билан ўтказилмоқда. Қонунларни такомиллаштириш, халқ депутатлари Советларининг ваколатларини кенгайтириш юзасидан, ҳуқуқни ижмоя қилувчи органлар фаолиятни яхшилаш, жамоатчиликнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда актив қатнашмоқдалар. Бироқ ҳуқуқбузарлик ҳоллари ҳали ҳам оз эмас. Қонун асосларининг лойиҳаси даставвал, маъмурий ножўя ҳаракатларга қарши курашга қаратилгандир. Гарчи бундай ҳаракатлар жиноятлар сингари унчалик жиддий бўлмаса-да, лекин улар жуда кўп бўлиб, жамиятга катта зарар етказмоқда.

Энг кўп тарқалган маъмурий ножўя ҳаракатлар жумласига йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, майда безорилик, ичкиликбозлик, майда ўғрилик, чайқовчилик каби ҳаракатлар киради. Жиноятга бориб тақаладиган ана шундай ҳуқуқбузарликка қарши кураш — жамоат тартибини таъминлашнинг, интизомни мустаҳкамлашнинг, жиноятлар содир бўлиши олдини олишнинг зарур шартидир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, гражданларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун нормал шароитлар яратиб бериш, уларнинг соғлигини сақлаш билан боғлиқ ҳолда давлат томонидан белгилаб қўйилган қоидаларни бузиш ҳам жиддий зарар келтирмоқда.

Қонун лойиҳаси ана шу ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ва уларга қарши курашни кучайтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун мустаҳкам қонуний асос яратиб бериш мақсадини кўзлайди.

Лойиҳада кўзда тутилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунлар ижтимоий тузумни муҳофаза қилиш, социалистик мулкни сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бошқарувнинг белгилаб қўйилган тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш, гражданларни совет қонунларини ҳурмат қилиш, ўз вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариш, жамият олдида масъулият сезиш руҳида тарбиялаш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка, деди докладчи, бизнинг қонунларимизда биринчи марта таъриф берилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарлик (ножўя ҳаракат) деганда, давлат ёки жамоат тартибини бузишга, социалистик мулкка, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ёки белгиланган бошқарув тартибига тажовуз қилганлик тўғрисидаги ғайри ҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъноси тушуниладики, бунда айбдор бўлган (атайин ёки эҳтиётсизлик натижасида ножўя ҳаракат қилган) шахсни қонунларга биноан маъмурий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади.

Лойиҳа бошдан оёқ қонунчиликка қатъий риоя қилиш ғояси билан суғорилган. У маъмурий жазо бериш борасида амал қилиб келаётган системани мустаҳкамлайди ва янада ойдинлаштиради. Бунда гап огоҳлантириш, штраф солиш, маъмурий ножўя ҳаракатни содир этиш қуроли ёки объекти бўлган буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара этиш, транспорт воситаларини бошқаришдан, овчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва охирги чора сифатида ахлоқ тузатиш иши бериш ва маъмурий қамоққа олиш каби чоралар устида боради. Қонун асослари лойиҳасида штраф солишнинг мавжуд энг кўп миқдори белгилаб берилган: бу миқдор гражданга нисбатан 10 сўмгача, мансабдор шахсга нисбатан — 50 сўмгача бўлиши, баъзи бир жиддий ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари учун гражданга солинадиган штраф миқдори 50 сўмгача оширилиши, мансабдор шахларга етказилиши мумкин.

Лойиҳада СССР Конституциясига мувофиқ қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартиби сақланишини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминловчи халқ депутатлари Советларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларига қарши кураш олиб боришдаги алоҳида роли янада мустаҳкамлаб қўйилади.

Лойиҳанинг бу соҳадаги асосий принципи шундан иборатки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча ишлар, башарти улар қонунларда бошқа органлар компетенциясига киритилмаган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар томонидан ҳал қилинади. Тажриба шуни кўрсатадики, ана шу коллегиал органларнинг иши қаердаки яхшироқ йўлга қўйилган ва Советлар бу органларга тегишли эътибор бериб, кун сайин ёрдам бериб келаётган бўлсалар, ўша ердаги комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши курашни шунчалик самарали олиб бормоқдалар. Бу фикрни воянга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Асосларнинг лойиҳасида ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қонунчиликка ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш тўғрисидаги Конституцияда белгилаб қўйилган талаблар конкретлаштириб берилади. Бу лойиҳа бизнинг ижтимоий тузумимиз демократизмини ўзида акс эттиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб боришнинг энг муҳим йўналиши тарбиявий ва профилактика ишлари олиб боришдан иборатдир. Шуниси муҳимки, деб қайд этди докладчи, ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш ишлари коллективларнинг иқтисодий ва социал тараққиёт плавлари билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда олиб борилмоғи, ҳамма ерда ҳар бир киши тўғрисида кун сайин ғамхўрлик кўрсатиб борилмоғи ва айни вақтда ичкиликбозлик, безорилик, ўғрилик қилиш каби фактлар ва жамиятга хилоф бўлган бошқа кўринишлар жуда кескин ва принципиал баҳоланмоғи лозим.

Жамоат ташкилотлари, кўнгилли халқ дружиналари, ўртоқлик судлари, тартиб қоидани сақловчи жамоат пунктлари ва бошқа ташаббускор жамоат органлари аҳоли пунктларида ҳамда корхоналарда намунали тартиб ўрнатиш соҳасида актив роль ўйнашлари зарур.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, ножўя ҳаракатларга қарши курашда «Меҳнат коллективи фикридан ҳам, матбуотнинг танқидий сўзидан ҳам, ишонтириш усулларидан ҳам, қонун кучидан ҳам — хуллас бизнинг ихтиёримизда бўлган ҳамма воситалардан ҳам тўла-тўкис фойдаланмоқ зарур».

Лойиҳанинг маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганлик тўғрисидаги материаллар, агарда ишнинг ҳолатини ва қонунбузарнинг шахсини ҳисобга олиб, унга нисбатан жамоат таъсири кўрсатиш чорасини қўлланиш маъқул, деб топилса, ўртоқлик судига, жамоат ташкилотига ёки меҳнат коллективига кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин, деган қоидаси ҳуқуқ-тартиботни сақлашда жамоатчиликнинг ролини янада кучайтиришга ёрдам беради.

Лойиҳадаги энг муҳим қоидалар қаторида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар ҳусусида шикоят бериш учун ҳозир амалда бўлган қонунларга нисбатан бир муча кенгроқ имкониятлар яратиб қўйилганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Асосларнинг лойиҳасини тайёрлаб чиқиш — бизнинг мамлакатимизда мавжуд қонунларни СССР Конституциясига мувофиқлаштириб чиқиш юзасидан олиб борилаётган катта ва кўп қирралли ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Бундай қонун биринчи маротаба қабул қилинмоқда ва бинобарин, унга эҳтиёж каттадир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Қонун асосларининг қабул қилиниши муносабати билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларини мазкур асосларга мувофиқлаштириб чиқиш ишлари кенг авж олдириб юборилади.

Ушбу асосларни 1981 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритиш таклиф этилмоқда. Иттифоқдош республикаларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тегишли кодекслар ишлаб чиқилмоғи ва қабул қилинмоғи лозим. Бундай кодексларни тайёрлаш иши мураккаб ишдир, чунки бу кодекслар ҳам, худди мазкур асослар сингари, аслида биринчи марта яратилади.

Янги Қонуннинг қабул қилиниши, деди сўзининг охирида И. М. Ярковой, совет ҳуқуқ-тартиботини ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга, совет кишиларининг меҳнат қилиши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиб беришга, граждан ва жамиятнинг манфаатларини мустаҳкам туриб кўриқлашга шак-шубҳасиз ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

(Боши биринчи бетда).

Давлатга 235 минг тонна шоли топширган Қорақалпоғистон АССР, 75 минг тонна шоли топширган Хоразм области, 34 минг тонна топширган Тошкент области, 21 минг тонна топширган Сурхондарё области, 18 минг тонна топширган Сирдарё областининг шоликорлари яхши муваффақиятларни қўлга киритдилар. Республика хўжаликлари ўнинчи беш йиллик мобайнида давлатга бир миллион 600 минг тоннадан кўпроқ шоли топширдилар.

Гурлан районидаги «Янгиобод», Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли, Қўғирот районидаги Чапаев номли, Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозлари ва бошқа қатор хўжаликларнинг шоликорлари бу йил ҳар гектар ердан 60 центнер шоли ялчиб олиб ажойиб натижаларга эришдилар.

Қўғирот районидаги Чапаев номли совхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Уббиниёз Бекниёзов, Қораўзак районидаги «Маданият» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Утениёз Туримбетов, Леннобод районидаги «Олтинкўл» совхозидан Қадримбет Турумбетов, Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоздан Машариб Собиров ва Жуманиёз Иўлдошев, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний Маяк» колхозидан Раиса Тигай, Гурлан районидаги «Гулистон» совхозидан Алексей Ким бошлиқ ҳамда кўпгина бошқа бригадалар 70—80 центнерга етказиб шоли олдилар.

Маккажўхори етиштириш кескин ошди. Бу йил маккажўхори ялпи ҳосили 1,3 миллион тоннани ташкил этди ёки 1975 йилдагига қараганда 2,6 баравар кўп бўлди. Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари суғориладиган ҳар гектар ердан бу йил 80—90 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олдилар. Умуман республикада маккажўхори донининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 70 центнерни ташкил этди.

Ҳар гектар экин майдонидан 89 центнер маккажўхори дони олган Самарқанд областининг, 81,6 центнер маккажўхори дони олган Хоразм областининг, 79 центнер маккажўхори дони олган Бухоро областининг, 77,4 центнер маккажўхори дони олган Сурхондарё областининг, 73,9 центнер маккажўхори дони олган Қашқадарё областининг хўжаликлари бу йил энг мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Мўл ҳосил миришкорлари — Иштихон районидаги Навоий номли колхоздан СССР Давлат мукофоти лауреати Жўрақул Қўшоқов, Қамаши районидаги «Гулистон» совхозидан Зулфия Пардаева, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозидан Тамара Шоғиёзова, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан Абдурасул Эрназаров, Жиззах районидаги Навоий номли колхоздан Еқуб Зоиров, Қува хўжаликлараро бўрдоқичилик базасидан Олмахон Аҳмедова, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Ширин Юсупова ва бошқа кўпгина миришкорлар маккажўхори донидан энг юқори ҳосил олиб, ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари фидокорона меҳнат қилганликлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларни моҳирлик билан олиб борганликлари туфайли республика ғаллакорлари ана шу меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Донни ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш даврида тайёрлов ва транспорт ташкилотлари аниқ-пухта ишлаб, донинг узлуксиз ташиб берилиши, қабул қилиниши ва асралишини таъминладилар.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари меҳнат ғалабаси тўғрисида рапорт берар эканлар, деҳқонлар тўғрисида донмо ғамхўрлик қилиб, эътибор бераётганликлари учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, суғориладиган деҳқончиликни кенгайтиришда бераётган ғоят катта ёрдам учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга астойдил миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

Ҳозир республика ғаллакорлари шоли ва маккажўхори ўрим-йиғимини ниҳоясига етказиш, ерларни тайёрлаш ва кузги дон экиш, келгуси йил мўл ҳосил олиш учун агротехника тадбирларини амалга ошириш борасида қизғин иш олиб бормоқдалар. Шу йилги ва умуман ўнинчи беш йиллик план ҳамда мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа тобора кенгаймоқда.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУТУН ҲОСИЛ — ХИРМОНГА

Пахта йиғим-теримининг энг долзарб, энг масъулиятли даври бошланди. Республиканинг кўпчилик областларида ёмғир ёғди. Пахтанинг охирги минг тонналарини териб олиш анча қийинлашди.

Ана шундай шароитда ҳар бир кишидан бу ишга алоҳида сафарбарлик, юксак онглилик, уюшқоқлик талаб қилинади Далалардаги қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш учун барча имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланиш зарур.

Республикада 22 октябрь куни 37 минг 820 тонна хом ашё, шу жумладан, 3394 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Андижон областида бир кунда 7000 тоннага яқин, Самарқанд ва Наманган областларида 6 минг тоннадан зиёд, Фарғона областида эса деярли 5,5 минг тонна пахта тайёрланди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми, СССР Олий Совети тўртинчи сессияси партия экономика соҳасидаги амалий ишларнинг марказига халқнинг турмуш даражасини юксалтиришни қўяётганлигини яна бир бор таъкидлади.

Пахтакор ўртоқлар! Шуни ёдда тутингки, сизнинг меҳнатингиз совет кишиларининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари ҳамда Олий Советининг сессияси сизнинг ҳар бирингизни йиғим-теримни муваффақиятли тугаллаш учун зарблор меҳнатга илҳомлантирсин!

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ

● Самарқанд область Хатирчи районининг меҳнаткашлари давлатга 65541 тонна пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Ҳар гектар майдондан 34 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Районнинг «Қизил Ўзбекистон», «Партия XXII съезди», Чкалов номли, Карл Маркс номли, Куйбишев номли, «Москва», «Коммунизм» колхозлари 38—42 центнердан ҳосил кўтардилар. Ҳосилнинг 70 проценти машиналар билан териб олинди.

Хатирчиликлар КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларига жавобан янги юксак мажбуриятларини олдилар — ялпи хирмонни 75 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

● Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози оширилган социалистик мажбуриятни бажарди. Тайёрлов пунктларига 9200 тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 50 центнерга кўтарилди.

● Яккабоғ районидаги «Коммунизм» ва «Ленинизм» колхозлари социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Ҳар бир хўжалик қабул пунктларига қарийб 4 минг тоннадан пахта топширди.

● Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги», Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ва «Гулистон» колхозлари социалистик мажбуриятларини бажардилар.

● Сирдарё областидаги энг йирик — «Боёвут» совхози давлатга 20 минг тоннадан ортиқ пахта топширди. Мажбуриятга қўшимча равишда яна минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилинди.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

● Бухоро областида сабзавот ва мева тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Давлатга 78400 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 28100 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 37700 тонна узум сотилди.

● **Косонсой райони.** Наманган областида биринчи бўлиб йиллик план бажарилди. Давлатга 33 минг тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. «Коммуна» колхози, «Дўстлик», «Қўқимбой», Худойбердиев номли совхозларнинг меҳнаткашлари бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликлар социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширимоқдалар. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларидан илҳомланган косонсойликлар ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

● **Яккабоғ райони.** Тайёрлов пунктларига 39709 тонна «оқ олтин» топширилди.

● **Оқдарё райони.** Давлатга 51630 тонна пахта армуғон этилди. Ҳосилнинг 75 проценти машиналарда териб олинди. Райондаги Карл Маркс номли, «Ўзбекистон», «Коммунист», «Партия XXII съезди» колхозлари мажбурият ҳисобига пахта топширимоқдалар.

● Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози давлатга 11900 тонна биринчи нав пахта топширди. Ялпи ҳосилни 15 минг тоннага етказишга қарор қилинди.

● Бувайда районидаги «Шарқ юлдузи» колхози қабул пунктларига 3662 тонна пахта топшириб, яна 880 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олди.

● Наманган районидаги «Коммунизм» колхози давлатга 4325 тонна пахта етказиб бериб, мажбурият ҳисобига яна 775 тонна дурдона топширишга аҳд қилди.

● Чуст районидаги Карл Маркс номли колхоз қабул пунктларига 2435 тонна пахта жўнатиб, яна 295 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олди.

● Ленин районидаги Карл Маркс номли колхоз республика хирмонига 3 минг тонна ургулик пахта етказиб берди.

● Пахтаобод районидаги «Правда» колхози районда иккинчи бўлиб, йиллик топшириқни бажарди. Давлатга 2800 тонна пахта топширди.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ

● Гагарин районидаги «Погранчиник» совхозининг механик-ҳайдовчиларидан Панжи Шукуров ва Эшқул Бўриевлар социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Механизаторлар бункерлардан 660 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. Улар яна 50 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

● Қарши районидаги механизатор Мастура Файзиева йиғим-теримни муваффақиятли олиб бормоқда. У областдаги механизатор қизлар орасида рекорд кўрсаткичга эришди. Уз машинаси бункеридан 576 тонна «оқ олтин» тўкди. У ўз машинаси билан жами 600 тонна пахта териб беришга аҳд қилди.

● Қорақалпоғистон АССРнинг Леннобод районидан автоном республикада хизмат кўрсатган механизатор Сариғул Бекжонова оиласи йиллик ва беш йиллик топшириқларини бажарди. Унинг турмуш ўртоғи Жанабой, ўғли Жаксибой, келини Тилеухон машина бункерларидан 700 тоннадан ортиқ пахта тўкдилар.

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ УРХО КАЛЕВА КЕККОНЕННИНГ СССРга ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконен шу йил ноябрь ойининг ўрталарида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

ФРЕЛИМО ПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ, МОЗАМБИК ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ САМОРА МОИЗЕС МАШЕЛнинг СССРГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Фрелимо партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Мойзес Машел партия-давлат делегациясига бош бўлиб, шу йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 14-қурилиш трести коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, беш йиллик плани муддатидан илгари бажарди.

План топшириқларини анча ошириб бажаришни кўзда тутувчи юксак мажбурият қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЛЕНИНГРАД области. Волхов алюминий заводида иккиламчи энергетика ресурсларидан фойдаланишда яхши натижаларга эришилмоқда. Ишлатилган газнинг қолган энергияси марказлашган энергия таъминотининг сув иситиш мосламаларида фойдаланилмоқда. Бу эса ҳар йили 50 минг тонна кўмир ишлатиладиган бир қозонларидан воз кечиш имконини берди. Суратда: заводда кўп меҳнат талаб жараёнлар электрон-ҳисоблаш машиналари назоратида амалга оширилмоқда.

О. Пороховников фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЛАТВИЯ ССР. В. И. Ленин номли ВЭФ ишлаб чиқариш бирлашмасида «ВЭФ-СИГМА» транзисторли магнитоланинг янги хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суратда: илғор бригада аъзолари.

В. Лисицин фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ХАБАРОВСК ўлкаси. БАМ қурилишида меҳнат қилаётган «Укрстрой» қурилиш-монтаж поездининг механизация участкаси коллективи беш йиллик планни бажарди. Суратда: бу ерда Ургал станциясининг темир йўл вокзали бўлади. Ҳозир объектда «Укрстрой» қурилиш-монтаж поездининг пармаловчилар коллективи меҳнат қиляпти.

А. Шляхов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

МАДАНИЙ МЕРОСГА МУҲАББАТ

Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ II АНЪАНАВИЙ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Б. И. Ленин Клара Цеткин билан суҳбатда маданий меросга бўлган муносабатни изоҳлаб қуйидаги фикрни билдирган эди: «Гарчи «эски» бўлса-да, ҳамма гўзал нарсани сақлаб қолиш керак, ундан намуна сифатида фойдаланиш керак, унга амал қилиш керак. Нима учун биз ҳақиқатан ҳам гўзал бўлган нарсадан у «эски» бўлгани туфайлигина юз ўгирар эканмиз, нима учун ундан келгуси тараққиёт йўлида негиз сифатида фойдаланмас эканмиз?..» Доҳиймизнинг бу фикрларига амал қилган ҳолда, халқимизнинг маданий меросига меҳр-муҳаббат қўйган ўзбек олимлари олис ўтмишдан бизнинг кунларимизгача етиб келган илк ёзма ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, ҳали эълон қилинмаган ноёб қўлёзмаларнинг маънавий мулкимизга айланиши борасида тинимсиз изланиш ва тадқиқот олиб бормоқдалар. Бу йўналишдаги илмий фаолиятда ёш олимлар ҳам актив иштирок этмоқдаларки, бу ҳол—эътиборга сазовор ҳодисадир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида доҳиймиз В. И. Ленининг 1920 йил 2-октябрда Россия Коммунистик Ёшлар Союзларининг III Бутуниттифоқ съездида сўзлаган «Ёшлар Союзларининг вазифалари» номли нутқига бағишланган илмий конференция ўтказиш одат тусига кириб қолди. Яқинда институтнинг ёш олимлари бу анъанавий конференцияга А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтларининг ёш тадқиқотчиларини ҳам иштирок этишга таклиф қилдилар.

Янгилишни Қўлёзмалар институти директори ўринбосари, филология фанлари кандидати Е. Жўраев очиб, тўпланганларни конференциянинг кун тартиби билан таништирди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Қўлёзмалар институтининг директори, филология фанлари доктори А. П. Қаюмов доҳиймиз В. И. Ленининг маданий меросни ўрганиш ҳақидаги таълимотига тўхталиб, конференция қатнашчиларига бу соҳада олиб борилаётган ишлардан сўзлаб берди.

Сўнгра минбарга биринкетин ёш олимлар чиқишади. А. Навоий номли Адабиёт музейининг кичик илмий ходими Н. Қаюмова ўз докладини К. Маркс ва Ф. Энгельснинг Шарқ адабиёти ҳақидаги фикрларига бағишлади.

Бизнинг асримизгача етиб келган қадимги битиклар Ўрта Осиё халқларининг илк ёзма ёдгорликлари сифатидагина қимматли бўлибгина қолмай, бу халқларнинг ўша даврга ҳам юксак маданиятга эришганини тасдиқ этувчи ноёб адабий ҳодисалардир. Адабиёт музейининг бўлим мудири Н. Раҳмоновнинг «Ўрхўн битикларининг шеърий тузилиши» номли докладини конференция аҳли катта қизиқиш билан тинглади. Ёш олим қадимги битиклар поэтикасини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борган таниқли шарқшунос ва тюркологларнинг назарий фикрларига муносабат билдирар экан, бу ёдгорликларни тадқиқ этишнинг ўзи кузатган жиҳатларига эътиборни қаратди.

Тил ва адабиёт институтининг аспиранти Б. Тўхтиевнинг Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достони ва қасида жанри мавзуида, Қўлёзмалар институтининг кичик илмий ходими В. Маҳкамовнинг «Тўти ва Қамарий қиссаси». Шарқшунослик институтининг кичик илмий ходими Х. Каромановнинг «Абдулла Ансорийнинг ижтимоий қарашлари», Қўлёзмалар институти ходимлари — Р. Ҳидоятованинг «Навоийнинг «Хамса» достонига ишланган янги тонгилган миниатюралар», М. Инағомхўжаевнинг «Ҳофиз Хоразмий шеъриятида халқ тилининг баъзи хусусиятлари», Т. Тўрабоевнинг «А. С. Пушкин ва ўзбек совет ёзувчилари архиви», Б. Валиевнинг «Ойбек шеъриятида табиат тасвири», Шарқшунослик институти ходимлари — Я. Қодировнинг «Ўрта Осиё ва Хитойнинг ўрта асрлардаги ўзаро алоқаси», Г. Остоновнинг «Ўз ерли Бухоро деҳқонларининг ерсиз қолиш жараёни» (XIX ва XX аср бошлари), А. Шайхованинг «XIX аср охиридаги Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш манбалари» мавзуидаги докладлари ҳам ёш олимларнинг муваффақиятли изланиш олиб бораётганидан гувоҳлик беради.

— Илмий конференция бизга кўп нарса бераяпти,— дейди Қўлёзмалар институти комсомол комитетининг секретари Т. Тўрабоев.— У, энг аввало ёш олимлар учун катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Улар адабий меросга қай тарзда муносабатда бўлиш, қай тарзда тадқиқот олиб бориш, манбаларни ўрганишда нималарга эътибор бериш каби илмий тафаккурга хос маҳорат сирларини ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, илмий ижодга лаёқатли ёшлар бу конференцияларда «кашф» этилиб, улар ҳам институт фаолиятига жалб этилмоқда...

Докладлар тугагач, институт олимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, докладларнинг шакл ва мазмун бирлиги, уларнинг савияси хусусида ўзларининг мулоҳазаларини билдирдилар.

Р. ҒАНИЕВ.

«УМИД» ТЎҒАРАГИ

Чиноз районидаги «Ленин байроғи» газета редакциясида ёш қаламкашларнинг «Умид» тўғараги ташкил этилган. Тўғарак район ёшлари орасида эътибор топди. Районимиз колхоз ва совхозларидан кўплаб адабиётга қизиқувчи ёшлар кела бошлади.

«Умид»нинг иштирокчилари асосан ишчилар, зиёлилар, колхозчилар, мактаб ўқувчиларидир. Тўғарак машғулоти ҳар ойда бир марта редакция биносида ўтказиб турилади. Машғулотнинг хилма-хил ва қизиқарли ўтказилишида редакция ходимлари ҳамда районимизда кўзга кўринган қалам соҳиблари яқиндан ёрдам берадилар. Жумладан, газета редактори Эсон Қосимов, масъул котиб Меҳди Усмонов, район радиоси редактори Ҳабиба Шерова, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, бобон шоир Ёдгор бахши Исҳоқов ўртоқлар адабиёт ҳақида, бадиий ижод тўғрисида тўғарак иштирокчиларига фойдали маслаҳатлар бериб туришади. Газетада шеъра саҳифалари уюштирилиб, унда «Умид» аъзолари ижодидан намуналар берилади.

«Санъат ғунчалари», «Шеърият шайдоси», «Ёш рассом асарлари» каби сарлавҳалар остида эълон қилинаётган ижодий намуналарда Киров номли колхоз аъзоси А. Каримий, Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи А. Ҳусанов, К. Маркс номли колхоз аъзоси И. Расулов, қосиб Қ. Эрҳўжаев, пахта заводи ишчиси М. Назарова, 25-ўрта мактаб ўқитувчиси Кубаро Аллаёрова каби жуда кўплаб қаламкашлар актив қатнашиб келмоқдалар.

Тўғарак машғулотини фақат редакция биносидагина эмас, дала шийпонларида ҳам ўтказишни планлаштирганмиз. Ватан, меҳнат, муқаддас ҳақидаги мисралар пахтакорларни янги зафарларга чорламоқда, илҳомлантирмоқда.

«Умид» тўғараги районимиздан ташқарида ҳам мухлислар орттирмоқда. Сирдарё давлат педагогика институтининг доценти Р. Жўманиёзов, янгийўллик адабиёт ихлосманди Ю. Ҳузурий, сирдарёлик ёш шоирлар Б. Холбекова, М. Файзиева каби ўртоқлар машғулотларга ташриф буюришиб, ёшларга ижод масъулияти ҳақида қиммати фикр-мулоҳазалар билдириб ёрдам бериб келмоқдалар.

Тўғарак аъзоларининг талабларига биноан районимиздан етишиб чиққан таниқли ишилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади.

Ёш шоир Абдулла Шер, ёзувчи Эргаш Раимов, Соим Исҳоқов, Ҳамза театрининг артисти Пўлат Носиров, Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мирзакарим Бобоев каби санъаткорлар ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Комилжон Азимов, Абдураҳмон Бекмуродов, Турсуной Раимова сингари донгдор пахтакорлар билан ҳам учрашувлар ўтказишни планлаштирганмиз.

Анора ПАРДАБОЕВА,
«Умид» тўғараги раҳбари.

«ОНА НЕЧУН ЕЛҒИЗ?» ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ЯХШИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГЛАР

Инсон фарзандини ниҳолга қиёслашади. Уни доимо авайлаб парваришлаш керак. Айниқса тарбиясига бирон кун бефарқ қараб бўлмайди. Фарзанднинг боғбони онадир. У мулоҳазали, кечиримли ва вазмин бўлмоғи лозим.

Гулзия хола, ёшлар бамисоли олов. Уларга яхши гапириб, насиҳат қилишдан эринмаслик керак. Вақти келганида қалбига қулоқ тутиб, бевосита дўст, мураббий ҳам бўлиш лозим. Ана шунда улар тўғри йўл танлаб, яхшиликка интиладилар. Шу ўринда Аҳмад Югнакийнинг бир фикрини келтирмоқчиман:

«Ғазаб ўти тутоқиб, (кетса), мулойимлик билан шафқат, марҳамат, ҳақиқат сувини сочиб, уни ўчир», — дейди у.

Қарс иккі қўлдан чиқади. Ҳурматли Гулзия хола, келинг, фарзандларингиз Эркинжон ва Марзиялардан ўтган бўлса кечиринг. Ҳувиллаган ҳовлида бир ўзингиз қандай яшайсиз? Ўғил-қизингиз билан яраши, бағрингиз неваралари-нингиз билан тўлиб-тошиб ўтирсангиз қандай яхши. Укам Эркинжон, синглим Марзияхон, дунёда онанинг ёмони бўлмайди. Сизлар ҳам аҳлингизни ишга солинглар. Яраши, аноқ-чаноқ бўлиб яшаганга нс етсин.

Ҳар бир ёмон ишдан сақла ўзингни.

Яхшилар ишидан узма кўзингни, — дейди мавлоно Жомий. Бу фикр бежиз эмас. Ён атрофингизда яхши одамлар, ибратли оилалар кўп албатта. Улардан ўрнак олинглар.

Юнус ЮСУПОВ,
Фарғона область, Бувайда районидаги 26-мактаб ўқитувчиси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Тошкент Давлат циркида Доғистон АССР халқ артисти Михаил Иванов раҳбарлигидаги Москва цирки артистларининг программалари зўр муваффақият билан давом этмоқда. Айниқса, айиқлар билан ўйновчи группанинг менежда кўрсатаётган ўйинлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Суратларда: цирк усталарининг программаларидан айрим лавҳалар.

С. Маҳкамов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

А. ХАММЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 22 октябрь. (ТАСС). Американинг таниқли саноатчиси ва жамоат арбоби, «Оксидентл петролеум» компаниясининг президенти доктор Арманд Хаммер Совет-Америка муносабатларини нормаллаштириш, иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш кераклигини айтди.

У телевидение орқали сўзлаган нутқида Ж. Картер маъмуриятининг Совет Иттифоқи билан дўқ-пўписа тилида гаплашишга уриниши «мағлубиятга маҳкум» эканини таъкидлади. Бу — беҳуда уриниш, деди у. Совет Иттифоқи бирон кимсанинг дўқ қилишига тоқат қилаолмайди.

А. Хаммер Афғонистондаги воқеалар теварагида Вашингтоннинг шовқин-сурон билан бошлаган Советларга қарши кампаниясини қоралади. Чекланган совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши афғон революциясига ёрдам бериш ва Марказий Разведка Бошқармасининг, шунингдек Хитой ва Покистон махсус маҳкамаларининг СССР жанубий чегарасида «душман режим»ни вужудга келтириш йўлидаги режаларини барбод қилишга қаратилган «ноилож чораси» бўлди, деб таъкидлади у.

А. Хаммер АҚШ расмий пропагандасининг гўё Совет Иттифоқи Форс кўрфази районида «агрессив муддаоларни» кўзламоқда, «СССР Яқин Шарқнинг нефть конларн устидан назорат ўрнатмоқчи» ва ғарб мамлакатларининг бу конларга кириш йўлини тўсиб қўймоқчи, деб тарқатаётган сохта даъволарини «ўта кетган бемаънилик» деб атади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Афғонистон ҳукуматига ва халқига қарши четдан ҳар қандай тарздаги аралашув бутунлай тўхталиши билакоқ СССР ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга киришишга тайёр эканлигини неча марталаб айтди, деб таъкидлади у. «Мен бу баёнотнинг самимийлигига ишонаман, деди А. Хаммер,— барча совет кишилари каби Л. И. Брежнев ҳам урушни хоҳламайди ва тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилишга тайёр».

КАТТА ҲАРБИЙ ШАРТНОМА

ПАРИЖ, 22 октябрь. (ТАСС). Франция мудофаа министрлиги Саудия Арабистони билан 14,4 миллиард франк миқдорида катта ҳарбий шартнома тузди. Бу шартнома, жумладан 6 та ҳарбий кема, «Дофен» маркали жанговар вертолетлар ҳамда 160 километргача отиладиган «отомат» ракеталари берилишини кўзда тутади. Тўрт йилга мўлжаллаб тузилган шартнома бундан ташқари Францияннинг ҳарбий ўқув юртларида Саудия мутахассисларини тайёрлашни, шунингдек Саудия Арабистонига кўпдан-кўп француз ҳарбий ва техник маслаҳатчилари юборилишини кўзда тутади.

Сиёсий обзорчиларнинг фикрича — бу Франция тузган ҳарбий шартномаларнинг энг каттасидир.

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 22 октябрь. (ТАСС). Ўтган кунлар мобайнида фронтнинг жанубий участкасидаги порт шаҳри Хуррамшаҳр билан Ободон районида Эрон ва Ироқ қўшинлари ўртасида айниқса шиддатли жанглар давом этди. Ироқ қўшинлари, деб хабар беради ИНА агентлиги, Хуррамшаҳр маркази сари силжишга муваффақ бўлдилар. Улар шаҳар турмасини ишғол қилдилар. Порт ҳам ироқликлар қўлига ўтган.

Ироқ қўшинлари Ободон шаҳрига олиб борувчи йўлларни кесиб шаҳарни қаттиқ қамал қилиб олдилар. Кечаги уруш ҳаракатларида Эроннинг икки самолёти уриб туширилди. Ироқ эса битта самолётини йўқотди. Эрон авиацияси Ироқ ичкарилигидаги граждан объектларига ҳужумлар қилди.

ТЕҲРОН, 22 октябрь. (ТАСС). Ироқ артиллерияси Эроннинг фронт ёқасидаги шаҳарларини тўпга тутмоқда. Тўп ўқлари, минаҳар ва ракеталар уй-жой кварталларида портламоқда, деб хабар беради Теҳрон радиоси. Эрон қўшинлари Қасри Ширин районида устун тепаликларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Бунда 200 га яқин ироқлик ўлдирилди, душманнинг 28 танки мажақланди. Эрон авиацияси фронтнинг турли участкаларида актив ҳаракат қилмоқда.

Теҳрон радиоси оятилло Ҳумайни Эрон бош министри Ражаи билан учрашганлигини хабар қилди. Шу учрашувдан сўнг, деб хабар қилади радио, Эрон АҚШ президенти Картеринг гаровдаги американликларни озод этиш эвазига Эронни иқтисодий ва савдо-сотиқ жиҳатдан қамал этишни бекор қилиш тўғрисидаги таклифини рад этганлиги таъкидланди.

НЬЮ-ЙОРК, 22 октябрь. (ТАСС). БМТ штаб-квартирасида қўшилмаган мамлакатлар координацион бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Эрон билан Ироқ ўртасидаги қуролли можаро тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Мажлис қатнашчилари можарони тинч бартараф этиш йўлларини излаш мақсадида қўшилмаган мамлакатлар ҳаракати доирасида министрлар даражасида махсус группа тузиш тўғрисида Фалвстин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг Раиси Я. Арафат киритган таклифни маъқуладилар.

Шу группанинг состави ҳусусида тегишли тавсиялар тайёрланади. Бюро мажлисида ҳозир бўлган Ироқ ва Эрон вакиллари ҳам бу группани тузиш идеясига қўшилдилар.

УЗОҚ ВАҚТ ЭСДАН ЧИҚМАЙДИ

ХАНОЙ, 23 октябрь. (ТАСС). Таниқли совет вокал-инструментал «Ялла» ансамблининг Вьетнам Социалистик Республикаси футболчилари учта халқаро ўртоқлик учрашувни ўтказишди. Биринчи ўйинда «Пахтакор»га 2:5 ҳисобида ютқазган меҳмонларимиз Самарқандда, сўнгра Наманганда маҳаллий футболчилар меҳмони бўлдилар. Самарқандда маҳаллий «Динамо» футболчилари 2:1 ҳисобида ғолиб келишган бўлса, наманганликлар 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Вьетнамлик футболчилар Қозоғистонга жўнаб кетишди. Улар бу ерда ҳам бир нечта халқаро учрашувлар ўтказишади.

САМБО ВА ДЗЮДОЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Самарқандда бирйўла спортнинг икки тури самбо ва дзюдо кураши бўйича республика мусобақалари бўлиб ўтди. Самбочиларнинг шахсий команда чемпионатида турли областларнинг 270 вакили иштирок этди. «Меҳнат» вакиллари команда ҳисобида биринчи бўлишди. Шу команда сафида қатнашган О. Моторни, С. Левчик, В. Хванлар республика чемпиони бўлдилар. «Буревестник» студентлар командаси иккинчи ўринни олди. Бу команда составида қатнашган Э. Аҳмедов билан Б. Чориевлар ўз вазнларида Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритишди. Пахтакорчи Э. Холиқов ҳам чемпионлик унвонига муяссар бўлди. Лекин унинг командаси учинчи ўринни олди.

Дзюдо баҳсларида кубок учун жами саккиз команда даъвогарлик қилди. Улар сафида 56 спортчи қатнашди. Ҳал қилувчи учрашувда «Меҳнат» командасини 5:1 ҳисобида енгган «Динамо» дзюдочилари Ўзбекистон кубогини қўлга киритдилар. Ғолиблар командасида қуйидаги спортчилар иштирок этишди: Ш. Муҳамедов, К. Юсупов, Р. Ризванов, А. Зилгинцев, С. Литоев, В. Аникин, А. Долженко.

ОЛИЖАНОБ ТАШАББУС

БОНН, 22 октябрь. (ТАСС). Ғарбий Европа мамлакатлари жамоатчилиги тинчлик, ҳамкорлик ва қуролсизланиш учун кураш Ғарбий Германия комитетининг мурожаатини маъқуллаб кутиб олди. Бу мурожаатда 26 октябрь куни Рейнланд-Пфальц ўлкасидаги Кайзерслаутерн шаҳрида «ядро қуролланишига чек қўйилсин» шиори остида халқаро намойиш ўтказишга даъват этилган.

Франция тинчлик ҳаракати ана шу халқаро намойиш ўтказилишини қўллаб-қувватлади. Шу ҳаракат ранси айтдики, НАТО Америкининг Ғарбий Европадаги янги ядро ракеталарининг бошқариладиган команда пункти Худди ана шу Кайзерслаутерн районида жойлаштириш ниятидадир.

Франция кўпгина касаба союз ташкилотлари, Франция Коммунистик партияси, студентлар иттифоқлари ҳам намойишни қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

Тинчлик ва тараққиёт учун кураш Бельгия миллий комитети, Голландиянинг «нейтрон бомба» ишлаб чиқиш тўхтатилсин — ядро қуролланиши пойгаси тўхтатилсин» бирлашган комитети халқаро намойишда қатнашишга даъват этди.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Ёшлар ижоди. 10.45 — Ўзингга буюр. Бадиий фильм. 1-серия. 11.50 — Концерт. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30 — Москва ва москволиклар. 17.00 — Умид стартлари. 17.45 — «Уруш ва тинчлик» романидан парчалар. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Дон казаклари давлат қўшиқ ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Время программасининг почтаси. 20.05 — Фильм-концерт. 20.25 — Ўзингга буюр. Бадиий фильм 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — «Бокаччо». Спектакль. 23.45 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Артек табассумлари. 12.00 — «До-ре-ми-фасоль». 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Замандас. 18.00 — Кўғирчоқ фильм. 18.10 — Ёшлик. 18.55 — Врач маслаҳати. 19.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — КПСС XXVI съездига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Эфирда — Эстония. телевидениесининг программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстония телевидениеси программасининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Оламда нима гап? 22.45 — Бировнинг номида. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Немис тили. 20.55 — Енгиндан эҳтиёт бўлинг. 21.25 — Чизма геометрия. 22.25 — Тадас Блинда. Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 — Шайбали хоккей бўйича СССР чемпионати.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/X да Олтин девор, 25/X да Истеҳком, 26/X да Нодирабегим (12.00), Тирик мурда (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/X да Тўйдан олдин тоғ-моша, 25/X да Ҳужайин, 26/X да Ур, тўқмоқ (16.00), Табассум кечаси (19.30).

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

ОМОНАТ КАССАЛАРИГА 1980 йил 8 октябрда Бухоро шаҳрида ўтказилган 76-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон ССРдаги ҳамма омонат кассаларида сақланган ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди:

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори ўрнатича омонат суммасига процент ҳисобида	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори ўрнатича омонат суммасига процент ҳисобида
А-33	25	А-555	25
А-49	25	А-580	25
А-94	25	А-607	50
А-132	25	А-644	25
А-174	25	А-695	25
А-227	25	А-728	100
А-278	25	А-782	25
А-301	50	А-817	25
А-333	200	А-871	25
А-390	25	А-898	25
А-423	25	А-928	25
А-447	25	А-982	25
А-490	100		

Счётларнинг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, қолган мингларда ҳам шу номерлар ютгандир. Масалан: счёт № А-33, А-1033, А-2033 ва бошқалар, А-132, А-1132, А-2132 ва бошқалар.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Бухоро шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. С. Муҳамедова.

Тираж комиссиясининг масъул секретари Г. А. Харрасов.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси коллективи редакция ходими Л. Лига отаси Ли Андрей Максимовичнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

ҚИТЪА СОВРИНЛАРИ УЧУН

Европа командалари ўртасида ўтказилаётган чемпионлар кубоги ва кубок эгалари кубогида совет спорти шарафини ҳимоя қилаётган икки командамиз — Москванинг «Спартак» ва Тбилисининг «Динамо» футболчилари нимчорақдаги дастлабки ўйинларни муваффақиятли ўтказдилар.

«Спартак» ўз майдонида Данияннинг «Эсбьерг» клубини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида устун келди. Тўпларни Хидиятулин (19 ва 62-минутларда), ҳамда Шавло (40-минутда) киритдилар.

Тбилиси динамочилари эса сафарда Ирландиянинг «Уотерфорд» командаси меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида устун келишди. Ягона тўпни Шенгелия киритди.

Жавоб учрашувлари 5 ноябрда бўлади.

ВЬЕТНАМЛИК ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЎЙИНЛАРИ

Республикамизда меҳмон бўлган Вьетнам Социалистик Республикаси футболчилари учта халқаро ўртоқлик учрашувни ўтказишди. Биринчи ўйинда «Пахтакор»га 2:5 ҳисобида ютқазган меҳмонларимиз Самарқандда, сўнгра Наманганда маҳаллий футболчилар меҳмони бўлдилар. Самарқандда маҳаллий «Динамо» футболчилари 2:1 ҳисобида ғолиб келишган бўлса, наманганликлар 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Вьетнамлик футболчилар Қозоғистонга жўнаб кетишди. Улар бу ерда ҳам бир нечта халқаро учрашувлар ўтказишади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БУЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02324. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1715. 13